

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўсимликлар карантини
ва химояси илмий-тадқиқот
институтининг директори,
Жамоатчилик кенгаши раиси

 **А.Р.Анорбаев**
2022 йил “02” март

Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги хузуридаги Жамоатчилик
кенгаши йиғилишининг 1 -сонли
БАЁННОМАСИ

02 март 2022 йил

Қибрай тумани

- Йиғилиш раиси:** А.Р.Анорбаев – Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтининг директори в.в.б.
- Йиғилиш котиби:** А.Х.Кадиров – Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигининг Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
- Қатнашдилар:** Кенгаш раиси ўринбосари О.Сулаймонов, Кенгаш аъзолари: Х.Кисанбоев, Қ.Бобобеков, А.Марупов, Н.Туфлиев, У.Рахимов, С.Садинова, Д.Зуфарова, Ж.Салихов, Ш.Худойбердиев, Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтининг ва Агентлик бош бошқармасининг тегишли ходимлари
- Таклиф этилганлар:** Агентликнинг Ички назорат бўлими бош мутахассиси М.Миразимов, Давлат ҳавфсизлик хизмати ходими Х.Мирзаев иштирок этишди.

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигининг 2022 йил 25 январдаги 31-

П-сонли буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 2 мартдаги

62-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро ташкилотлар тавсиялари ва илғор дунё тажрибасини таъминлаш мақсадида,

Йиғилиш раиси А.Р.Анарбоев кун тартибидаги масалаларни йиғилиш қатнашчиларига маълум қилиб, йиғилишни очик деб эълон қилди ва “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг 2022 йил 25 январдаги 31-П-сонли буйруғи ижроси билан институт раҳбарияти, бўлим бошлиқлари ва илмий ходимларини таништирди.

Институтда коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади қуйидагилардир:

Институт ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;

Институтда коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;

Институтнинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳолининг Институт фаолияти юзасидан ҳукукий онги ва ҳукукий маданияти даражасини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

Институт ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва ҳуқ-атвор қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;

ходимларнинг ҳукукий доирада фаолият юритишини, Институтнинг ички талаб қоидаларига белгиланган тартибда қатъий риоя этилишини ҳар томонлама таъминлаш.

масъул ходимлари томонидан институтнинг барча ходимларини қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ва хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан ҳолисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда сифатли бажариши ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилиши учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида мунтазам назорат олиб борилиши тўғрисида баёнот берди ва маъруза учун

сўзни Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигининг ички назорат бўлими бош мутахассиси М.Миразимовга берди.

М.Миразимов ўз чиқишида Институтнинг ҳар бир ходими ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигининг 2022 йил 25 январдаги 31-П-сонли буйруғи талабларига қатъий роия қилган ҳолда олиб бориши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, нотик ўз маърузасида коррупцияга сабаб бўлаётган ҳолатларни ҳамда жамиятни бу балодан қутқариш масаласини муҳокамаси ва коррупция тўғрисидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни институтдаги барча ходимларга етказиш, шунингдек тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш долзарб аҳамиятга эга эканлиги борасида ҳам тушунчалар бериб ўтди ҳамда Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги тизимида ҳам коррупцияга қарши курашиш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганлиги, хусусан, Ўсимликлар карантини ва химояси соҳасига тааллуқли мурожаатларни йўллаш учун махсус алоқа каналлари (ишонч телефони, телеграмм бот канали ва ҳ.к.) доимий фаолият кўрсатаётганлигини келтириб ўтди. Шу билан бирга, Институтдаги барча ходимларнинг ҳалол, масъулиятли ва адолатли бўлишлари юзасидан мунтазам равишда назорат олиб борилаётганлигини таъкидлади.

Сўнгра йиғилишда сўзга чиққан институт етакчи илмий ходими И.Исамиддинов, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишда турли хил омилларни аниқлаш тадбирларини амалга оширилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Институт лабораторияси мудирини Н.Туфлиев ўзга чиқишида, коррупция бор жойда ривожланиш ҳамда ходимларнинг ўзаро муносабатларида самимийик бўлмаслигини, бунинг натижасида илм-фанда билим салоҳияти, ёшларнинг илмга бўлган интилиши камайиб боришини айтиб ўтди.

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон

Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони талаблари ҳар бир ходим томонидан ўқиб ўрганилиши ташкил қилинсин, ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг 2022 йил 25 январдаги 31-П-сонли буйруғи ижроси таъминлансин ва буйруқ иловалари билан институтнинг ҳар бир ходими имзо қўйган ҳолда таништирилсин.

2. Институт ходимлари ўз фаолиятини коррупцияга қарши Агентлик ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари асосида олиб бориш, фаолияти давомида дуч келадиган коррупциявий ҳолатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида 202 64 64 рақамли ишонч телефониға хабар бериш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

Кенгаш котиби



А. Кадиров